Методик қўлланма

Нодавлат олий таълим

муассасаларида таълим сифатини баҳолаш: хорижий ва миллий тажриба





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378.046(072)(075)
КБК: 74.58я7
И – 70
Иброҳимов, Фирдавс
Нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш: хорижий ва миллий тажриба / Ф.Иброҳимов, М.Хуррамов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 32 б.

ISBN 978-9910-9632-5-4

Мазкур методик қўлланмада олий таълимда сифатни баҳолашнинг назарий-концептуал ва амалий жиҳатлари таҳлил этилиб, мазкур фаолиятни институционал тарзда самарали ташкил этишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасининг илғор ютуқлари кўриб чиқилган. Ва шу асосда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш механизмини такомиллаштиришга оид тавсиялар келтирилган.

Қўлланмадан олий таълим тизимида фаолият юритаётган ваколатли шахслар, профессор-ўқитувчилар ҳамда олий таълим соҳасига оид илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар фойдаланиши мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.046(072)(075)
КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9632-5-4

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш ҳамда бу соҳадаги рақобатбардошликни таъминлаш давлат ва жамият олдида турган долзарб масалага айланди. Шундан келиб чиқиб, яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб “олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш” стратегик вазифа сифатида белгиланди. Ушбу вазифани амалга ошириш, ўз навбатида, олий таълим сифатини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, бу борада илғор хорижий тажрибани соҳага татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш йўналишида давлат органлари ҳамда жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этади.

Сўнгги вақтларда мамлакатимиз олий таълим тизимида нодавлат олий таълим муассасаларининг салмоғи ҳам анчагина ортди. Ҳозирги вақтга келиб уларнинг умумий сони 42 тани ташкил этмоқда. 2026 йилгача олий таълим муассасалари сонини камида 50 тага етказиш мақсад қилинган. Албатта, олий малакали кадрлар тайёрлашда хусусий сектор улушининг мустаҳкамланиб, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасининг ортиб бораётгани қувонарли ҳолат. Чунки олий маълумотли кадрлар салмоғининг ортиб бориши давлатнинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим омиллардан биридир. Бироқ миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришлари билан уйғун бўлмоғи керак. Бунинг учун эса олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлашга қаратилган фаолиятини жаҳон талаблари асосида ташкил этиш, давлат иштирокида олий таълим сифатини кафолатлаш талаб этилади. Бу вазифани амалга оширишда таълим сифатини мунтазам мониторинг қилиб бориш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш механизмларини замон талабларига мослаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур методик қўлланмада масаланинг айни шу жиҳатларига эътибор қаратилган бўлиб, унда нодавлат олий таълим муассасаларида сифатни баҳолаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган, жаҳон мамлакатларининг бу бора-

да эришган илғор тажрибалари таҳлил қилинган ҳамда миллий баҳолаш тизимига ушбу илғор тажрибаларни татбиқ этиш каби масалалар атрофлича ёритилган.

1. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА “СИФАТ” ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНЛАРИ

Олий таълимда “сифат” тушунчаси конкрет маънога эга эмас. Чунки таълим қандайдир аниқ ашё-буюм ёки саноат маҳсулоти сингари моддий объект бўлмасдан, балки мураккаб хусусиятларга эга бўлган ҳодисадир. Шу боисдан ҳам “сифат” тушунчаси борасида хилма-хил ва баъзан ўзаро зидиятли бўлган жуда кўплаб таърифларни учратиш мумкин. Шунга қарамасдан, олий таълимни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай фаолият муқаррар тарзда “сифат”га мурожаат қилиш заруратига дуч келади. Чунки сифат хусусиятларнинг интеграл ва яхлит тизими бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини аниқлаштирмасдан туриб таълимни такомиллаштиришга бўлган ҳар қандай уриниш ўз моҳиятини йўқотади, том маънода абсурдликка айланади. Шу боисдан ҳам олий таълимни ривожлантириш ҳақида гап кетганда “сифат” фундаментал аҳамият касб этади. Бу эса олий таълимда сифат концепциясининг жиддий илмий-назарий муҳокамасини тақозо этади.

Таълим сифатига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, унга нисбатан келтирилган юзлаб таърифлар мавжуд. Биз улардан фақат айримларига эътибор қаратамиз. Баъзи олимлар таълим сифатини таълим жараёни ва натижаларининг умумий хусусияти деб ҳисоблайди. Бу икки компонентнинг бирлиги орқали ифодаланиши мумкин: жараён ва натижа. Бошқа бир таърифга кўра, таълим сифатини шахснинг шаклланган билим даражаси, малакалари ва ижтимоий аҳамиятга эга сифатлари ташкил қилади. Ушбу таърифларда асосий эътибор натижанинг таълим мақсадларига мос келишига қаратилади.

Бошқа бир олимлар қуйидаги таърифни таклиф қилади: “Таълим сифати — таълим жараёни иштирокчиларининг таълим муассасаси томонидан тақдим этиладиган таълим хизматларига нисбатан умидларининг қондирилиш даражаси”. Ушбу таърифга кўра, шахс ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган таълим сифати юқори деб баҳоланади. Таълим сифатини эҳтиёжларга мувофиқлик нуқтаи назаридан тушунишга кўра, таълим сифати турли даражадаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини белгилайдиган хусусият сифатида кўрилади.

Бир қатор олимлар сифатни жараён, натижа ва тизимни белгиланган талабларга жавоб бериш хусусияти деб тавсифлайдилар. Шу каби таълим сифатини мақсадлар ва натижалар нисбати, мақсадларга эришиш ўлчови сифатида кўриб чиқувчи ёндашув ҳам мавжуд. Унга кўра, мақсадлар ва натижалар талабанинг ривожланишига имкон берсагина, бундай мувофиқлик сифатни таъминлаши мумкин. Бунда таълим сифати маълум бир дастур, муайян таълим стандартини ишлаб чиқиш бўйича келишилган талабларга тайёрланаётган мутахассиснинг таълим ва тайёргарлик даражаси мос келиши керак.

Россиялик олимлар Г.Б.Скок ва Е.А.Лебедев таълим сифатинининг бир қанча алоҳида турлари: мақсадлар ва меъёрлар сифати; шароитлар сифати (моддий-техник база, дастурлар, услубий ва ахборот таъминоти); ўқув жараёнининг сифати; битирувчиларнинг муваффақияти сифати кабиларни ажратиб кўрсатади. Улар таълим сифатини белгиловчи пировард натижа талабанинг жисмоний, руҳий ва маънавий саломатлиги, шунингдек, битирувчининг билим даражаси ва касбий тайёргарлиги эканлигини таъкидлайдилар.

Ғарб олимларининг таълим сифатини аниқлашга бўлган ёндашувларида асосан мижозлар эҳтиёжини қондириш, фойдаланишга яроқлилик ёки мукаммаллик каби ғоялар устуворлик қилади. Масалан, А.Остин “Assessment for Excellence” асарида таълим сифатини истеъдодни ривожлантириш ва таълимда юқори натижаларга эришиш имконияти сифатида тушунтиради.

Л.Харви ва Д.Гриннинг таъкидлашича, биринчидан, сифат тушунчаси турли кишилар учун ҳар хил маънога эга. Иккинчидан, сифат “жараён” ёки “натижа” билан боғлиқ. Сифат “чиқиш”да ижобий натижага қаратилган махсус жараён сифатида тушунилади. Бундай ёндашувга кўра, таълим сифатини мижозларнинг сўровлари ва талабларини бажариш, талабалар учун имкониятлар яратиш ёки янги билимларни ишлаб чиқишдаги ўзгаришларни назарда тутувчи трансформация жараёни сифатида талқин этиш мумкин.

“Сифат” атамасини талқин қилишнинг бундай хилма-хиллиги кўп жиҳатдан ушбу категориянинг кўп ўлчовлилиги ва субъективлиги, уни ўрганиш муаммолари контексти, тадқиқот позицияси ва бошқалар билан боғлиқ.

“XXI аср учун олий таълим бўйича Жаҳон декларацияси”да олий таълим сифатига қуйидаги таъриф берилган: “Олий таълим сифати кўп қиррали тушунча бўлиб, унинг барча функциялари ва фаолиятини, ху-

сусан, таълим ва ўқув дастурлари, илмий тадқиқотлар ва стипендиялар, кадрлар билан таъминлаш, талабалар, бино, моддий-техник база, ускуналар, жамият ва академик муҳит манфаати учун ишлаш кабиларни қамраб олиши керак".

Умуман олганда, таълим сифати тушунчасини иқтисодий, маъмурий, ижтимоий, ташкилий, техник-технологик, психологик, ҳуқуқий, экологик, шахсий, тизимли ва бошқа позициялардан кўриб чиқадиган кўплаб тадқиқотлар мавжуд.

Ҳозирги кунда олий таълимда сифат ва уни таъминлашга оид бир қатор замонавий ёндашувларни алоҳида келтириш мумкин:

1. Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа стандартлари ва йўриқномалари (ESG)да олий таълим муассасасининг самарали таълимни таъминлаш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва натижаларга эгалигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тўплами сифатида таъриф берилади.

2. Малколм Балдриж миллий сифат мукофоти (MBNQA)да мижозлар эҳтиёжини қондириш, юқори салоҳиятли ходимларни жалб қилиш ва инновациялар орқали таълим жараёнининг муттасил такомиллаштириш назарда тутилади.

3. Ялпи сифат менежменти (TQM) ёндашувига кўра, муассаса фаолиятининг барча жиҳатларини, жумладан, ўқитиш, тадқиқот, бошқарув ва қўллаб-қувватлаш хизматларини доимий такомиллаштиришга қаратилган фаолият.

4. ISO 9001:2015 ҳамда ISO 21001:2018 стандартларида таълим муассасасининг изчил, юқори сифатли хизматларни тақдим этиш орқали манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондиришини таъминлашга қаратилган тизимли фаолияти сифатида белгилайди.

2. ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР ВА УСУЛЛАР

Бугунги кунда олий таълимдаги энг долзарб мавзулардан бири Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилиши ҳисобланади. Шу боисдан ҳам олий таълим самарадорлигига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Зеро, унинг муҳим функцияси ажралмас элементнинг сифатини доимий равишда баҳолашдир. Ушбу масала тобора долзарблашиб бормоқда, шунинг учун Ғарбда — Европа ва АҚШда қўлланиладиган баҳолаш усулларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Хорижий

тажрибани кўриб чиқиш ушбу усуллар Ўзбекистон учун қанчалик мақбул эканлигини ва юқори сифатли олий таълим йўлида қандай қадамлар қўйишимиз зарурлигини тушуниш имконини беради.

Жаҳон амалиётида университетлар ишининг сифатини баҳолаш учун турли хил ёндашувлар қўлланилади: обрўли, самарали ва умумий.

Обрўли ёндашувда профессионал таълим дастурлари ва умуман, таълим муассасалари даражасини баҳолаш учун эксперт механизмидан фойдаланилади. Самарали ёндашув университет фаолиятининг миқдорий кўрсаткичларини ўлчашга асосланган. Умумий ёндашув "ялпи сифат бошқаруви" (Total Quality Management, TQM) тамойилларига ва Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization, ISO)нинг сифат менежменти тизимларига қўйиладиган талабларга асосланади.

Олий таълимни баҳолаш усуллари ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, Европа томонидан ушбу жараённинг асосий иштирокчилари: Европа университетлар ассоциацияси, Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа тармоғи, Европа Комиссияси, Европа талабаларининг Миллий Иттифоқи, шунингдек, миллий агентликлар ва ассоциациялар, университетлар ва вазирликлардир. Америкада асосий роль университетларнинг ўзига юкланган ва аксарият олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини мустақил баҳолаш марказлари мавжуд.

Олий таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи тузилмаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, турли шароитларда: иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда олий таълим сифатини таъминлаш;

– иккинчидан, олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– учинчидан, таълим сифатини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ахборот алмашинувини рағбатлантириш.

Олий таълим сифатини баҳолаш усуллари баҳолаш, аккредитация, аудит ва рейтинг ҳисобланади. Усулларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз.

"Баҳолаш" — бу сифатни таъминлашнинг умумий ифодаси, аммо кўпинча у бошқа усуллар билан параллель равишда кўриб чиқилади, масалан, аудит билан. "Ўқув курсини баҳолаш", "дастурни баҳолаш", "таълим муассасасини баҳолаш" мавжуд. Европада ҳам, АҚШда ҳам қўлланиладиган энг кенг тарқалган баҳолаш дастурни ва таълим му-

ассасасини баҳолашдир. Ушбу баҳолаш турлари университет ҳолати ҳақида тезда умумий тасаввурга эга бўлишга имкон беради.

“Аккредитация”ни кўриб чиқайлик. Бу усул сўнгги пайтларда Европа таълим сифатини таъминлаш тизимида, хусусан, Германия, Норвегия ва Голландияда фаол қўлланилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баҳолаш ва аккредитация турли хил ҳодисалардир. 2001 йилдаги Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа Тармоғи ҳисоботида аккредитация қуйидагича тавсифланган: аккредитация — университет дастури ёки ўзининг талаб қилинадиган стандартларга жавоб беришини тан олиш ёхуд тан олмасликдир. Бундан ташқари, аккредитация рейтингга асосланган баҳолашни ўз ичига олади, маълумотлар сифат мезонларига асосланади ва ҳар доим дихотомик — “ҳа” ёки “йўқ” тарзида бўлади.

“Аудит” — баҳоланаётган муассасада кенг тарқалган сифатни таъминлаш механизмларининг кучли ва заиф томонлари баҳоланадиган усул бўлиб, бу усул Буюк Британия ва Ирландияда кенг тарқалган.

“Рейтинг” — бу ўқув курслари, дастурлар, муассасалар бўйича натижаларни таққослайдиган баҳолаш элементи. Бу, Европа университетлар ассоциациясининг фикрича, доимий ижобий тажриба алмашишга олиб келади. Бу баҳолаш доирасидаги энг янги усул бўлса-да, жуда тез оммалашиб бормоқда.

Баҳолашда асос бўладиган асосий тамойиллар: баҳолаш тартиб-қоидаларини танлашда давлат ва бошқа университетлардан мустақиллик, ўз-ўзини баҳолашдан фойдаланиш, экспертлар томонидан ташқи баҳолаш ва ҳисоботни чоп этишдир. Европа сифатни баҳолаш тизими доирасида ушбу модель “тўрт босқичли” деб номланади. Бу ерда икки жиҳатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи жиҳат — эксперт гуруҳи: у кўпинча университетлар ва фан соҳаси вакилларидан, халқаро экспертлардан, айрим ҳолларда битирувчилар ва талабалардан, шунингдек, профессионал ташкилотлардан иборат.

Иккинчи жиҳат — ўз-ўзини баҳолаш: деярли барча университетлар таълим сифатини оширишни ўзларининг асосий мақсади деб билишади, шунинг учун кўпчилик ўз-ўзини баҳолашдан фаол фойдаланиши мантиқан тўғри. Кўпинча таълим муассасаларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари ўз-ўзини баҳолаш жараёнига киритилади.

Индикаторларни ишлаб чиқиш тизими иқтисодий ёки ижтимоий соҳалардаги кўрсаткичларни ишлаб чиқиш билан бир хил. Таълим ин-

дикаторлари муаммоси сифатли таълим мезонларини аниқлашнинг қийинлигидадир. Чунки бу жараённинг самарадорлиги ёки самарасизлигини кўрсатадиган бевосита кўрсаткичлар мавжуд эмас. Бу ерда талабалар ва профессор-ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш керак. Индикаторлар одатда таълим фаолиятини амалга ошириш шароитлари кўрсаткичлари (таълим муассасаси концепцияси, кадрлар, таълим ресурслари), жараён кўрсаткичлари (ОТМни бошқариш, таълим дастурлари мазмуни, ижтимоий инфратузилма), натижа кўрсаткичлари (бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифати, бандлик даражаси, тадқиқот фаолияти самарадорлиги) бўйича гуруҳланади.

3. НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАРИ

Нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш уларда таълим меъёрлари риоя қилиши ҳамда таълим сифати барқарор бўлиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Татқиқотлар шуни кўрсатадики, АҚШ каби йирик федератив мамлакатларда хусусий олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш штатлар кесимида амалга оширилса, Туркия Республикасида мазкур вазифа ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилади. Европа Иттифоқида хусусий ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш Болонья жараёнида таъсис этилган умумий мезонга асосланган ҳолда, халқаро ташкилотлар ҳамда маҳаллий агентликлар томонидан ҳамкорликда амалга оширилади. Қуйида нодавлат ва хусусий олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш борасида АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Малайзия ҳамда Туркия мамлакатлари тажрибаси борасида аниқланган маълумотлар баён қилинади.

Америка Қўшма Штатларида хусусий ва нодавлат ОТМлар фаолиятини баҳолаш штатлар кесимидаги маҳаллий ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, АҚШ Таълим вазирлиги мазкур жараён устидан назорат олиб боради. Мисол сифатида айтиш мумкинки, Нью Йорк штатидаги барча нодавлат олий таълим масканлари Таълим бошқармаси қошидаги Нью Йорк штати университетлари (The University of The State of New York — USNY) ташкилотига аъзо ҳисобланадилар. Ташкилот Вакиллар кенгаши томонидан бошқарилиб, унга Нью Йорк штати Таълим комиссари раҳбарлик қилади. Аъзо университетлар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Вакиллик кенгаши барча

олий таълим масканлари амал қилиши лозим бўлган меъёрий ҳужжатларни штат кесимида ишлаб чиқади. Ушбу меъёрларнинг амалга татбиқ қилиниши устидан назорат олиб бориш Коллеж ва университетлар фаолиятини баҳолаш идораси (The Office of College and University Evaluation) томонидан амалга оширилади. Мазкур идора штат Таълим бошқармаси қошида фаолият юритиб, аккредитация масалалари билан ҳам шуғулланади. Баҳолашда асосан штат ва федерал қонунчиликка риоя қилиниши, таълим дастурларининг белгиланган талабларга жавоб бериши ва онлайн асосдаги таълим дастурларининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тузилганлигига эътибор берилади.

Ривожланган мамлакатлар орасида Европа Иттифоқида давлат ва нодавлат таълим муассасаларидаги таълим сифатини баҳолаш яхши йўлга қўйилганини кўриш мумкин. Жумладан, иттифоқ кесимида таълим сифатини кафолатлаш ҳамда университетларни аккредитациядан ўтказиш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, аъзо давлатларнинг ушбу мезонларга амал қилиши бир нечта халқаро олий таълим сифатини кафолатлаш ташкилотлари томонидан текшириб борилади. Бунда сифат талабларига риоя қилмайдиган олий таълим муассасаларининг маҳаллий таълим сифатини баҳоловчи ташкилотлар томонидан чуқур текширувлар олиб бормасдан аккредитация қилинишининг олдини олиш ва Европа Иттифоқи ҳудудида сифатли олий таълим мезонларини муваффақиятли йўлга қўйиш мақсад қилинган. Булар орасида Олий таълимда таълим сифатини кафолатлаш Европа ҳамжамияти (The European Association for Quality Assurance in Higher Education) 2005 йили Болонья жараёнида таъсис этилган бўлиб, Европа Иттифоқидаги аккредитация ва олий таълим сифатини кафолатлаш ташкилотларини тамсил қилади. Мазкур ташкилот бошқа халқаро олий таълим сифатини кафолатлашга доир вазифаларни бажарувчи ташкилотлар, жумладан, Европа университетлари ҳамжамияти (European University Association), Европа талабалар ҳамжамияти (European Students' Union), Европа олий таълим институтлари ҳамжамияти (European Association of Institutions in Higher Education) билан ҳамкорликда Европадаги олий таълим сифатини кафолатлаш ташкилотлари рўйхатини шакллантирган. Унда Европа Иттифоқида қабул қилинган мезонларга биноан таълим муассасаларини аккредитациялаш ҳамда баҳолаш билан шуғулланадиган ташкилотлар рўйхати эълон қилиб борилади. Ушбу таҳлилда Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатларда хусусий ва нодавлат олий таълим муассасаларини баҳолаш ташкилотлари фаолиятини қамраб олишнинг иложи

бўлмагани сабабли хусусий университетлар улуши талабаларнинг сезиларли қисмини қамраб оладиган мамлакатларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Изланишлар шуни кўрсатадики, Германияда хусусий олий таълим муассасалари жами талабаларнинг фақат бир фоизини қамраб олади. Финландияда эса хусусий олий таълим муассасаларига оид қонун мавжуд эмас. Шунингдек, Францияда хусусий олий таълим муассасалари университет деб аталишига қонуний чеклов ўрнатилган. Мана шу омиллар инобатга олиниб Европа Иттифоқида хусусий олий таълим муассасалари улуши сезиларли ҳисобланувчи Швеция ҳамда Испания мисолида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда хусусий ва нодавлат олий таълим муассасаларини баҳолаш механизмига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Швеция мамлакатида олий таълим тизими фаолиятини амалга ошириш Таълим ва тадқиқотлар вазирлиги қошида фаолият юритувчи бир қатор ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бундай ташкилотлар ичида Олий таълим маҳкамаси (The Swedish Higher Education Authority) давлат ҳамда нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятига баҳо бериш билан шуғулланади. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш мазкур ташкилот ваколати доирасига киради. Шу жумладан, олий таълим муассасаларини тематик баҳолаш, таълим сифатини назорат қилиш инспекциялари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, Болонья жараёни доирасида қабул қилинган Европадаги олий таълимда таълим сифати бўйича йўриқнома ва мезонларнинг Швеция ҳудудида амалга татбиқ қилинишини назорат қилиш кабиларни ташкилот вазифалари сирасига киритиш мумкин. Шунингдек, ташкилот олий таълим тизимида гендер тенглиги тамойилларига амал қилинишини таъминлаш, олий таълимга оид статистик ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, олий таълим муассасалари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини кўриб чиқиш ҳамда уларни жамоатчиликка маълум қилиш билан шуғулланади. Швеция олий таълим маҳкамаси халқаро ҳамкорликка урғу бериб, бир қатор халқаро таълим сифати ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Булар сирасида Олий таълимда сифатни кафолатлаш агентликларининг халқаро тармоғи (The International Network for Quality Assurance Agencies in Higher Education), Шимолий Европа олий таълимда таълим сифатини кафолатлаш тармоғи (Nordic Quality Assurance Network in Higher Education), Олий таълимда таълим сифатини кафолатлаш Евро-

па ҳамжамияти (The European Association for Quality Assurance in Higher Education) кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур ташкилот университетларга даража беришни кўзга тутувчи таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳуқуқини тақдим қилувчи лицензия бериш билан шуғулланади.

Бошқа Европа мамлакатларидан **Испанияда** Сифатни баҳолаш ва аккредитациядан ўтказиш миллий агентлиги (National Agency for Quality Assessment and Accreditation in Spain — ANECA) олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларни аккредитация қилиш билан шуғулланади. Олий таълим муассасаларини аккредитация қилиш ва баҳолаш, олий таълим муассасаларида таълим сифатини кафолатлашнинг Европа ҳамжамиятида қабул қилинган мезонларига риоя қилинишини текшириш, хорижий мамлакатларда олинган дипломлар тан олиниши, хорижий университетларни аккредитация қилиш мазкур агентликнинг вазифалари доирасига киради. Мазкур ташкилот бюджети Таълим, маданият ва спорт вазирлиги томонидан молиялаштирилади. Бу агентлик бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. Шунингдек, ташкилот халқаро лойиҳаларда қатнашиш ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамда олий таълим муассасалари буюртмасига кўра баҳолаш ўтказиш орқали ўз-ўзини молиялаштиради. Агентликнинг ҳукуматдан мустақил фаолияти ижрочи директор томонидан олиб борилиб, Испания олий таълим муассасалари ҳиссадорларидан ташкил топган Вакиллар Кенгаши томонидан бошқарилади. Мазкур агентлик фаолияти Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа Ҳамжамияти (The European Association for Quality Assurance in Higher Education) томонидан баҳолаб борилади.

Туркия Республикасида эса нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш Олий Таълим Кенгаши (Council for Higher Education) томонидан амалга оширилади. Унинг ваколат доираси Туркия Республикасининг 1982 йил қабул қилинган Конституциясида белгиланган. Кенгаш аъзоларининг 7 нафари Президент, 7 нафари университетлар Кенгаши, 7 нафари Вазирлар Маҳкамаси, бир нафари Қуролли Кучлар, 2 нафари Таълим вазирлиги томонидан тайинланади. Ташкилот давлат, нодавлат ҳамда хусусий олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий талабларга риоя қилиши устидан назорат олиб бориш, Туркия таълим тизимининг Болонья жараёнига интеграциясини амалга ошириш, хорижда олинган даражаларнинг эквивалентлигини белгилаш кабилар билан шуғулланади.

Туркия Республикасида тан олинган хусусий, нодавлат, давлат, хорижий, ҳарбий ва махсус статусга эга олий таълим муассасалари рўйхати ташкилот веб-саҳифасида бериб борилади ва доим янгилаб турилади. Шунингдек, ушбу муассаса хорижий ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилиш билан шуғулланади.

Қизиқ томони шундаки, жаҳон тажрибасида хусусий ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш вазифаси фақат давлат ташкилотлари томонидан қамраб олинмаган. Масалан, **Корея Республикаси**да хусусий ва нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти Корея олий таълим Кенгаши (Korean Council for University Education) томонидан амалга оширилади. Ушбу кенгаш олий таълим муассасалари ҳамжамияти ҳисобланиб, нодавлат ташкилотлар сирасига киради. Ташкилот аъзо университетлар президентларидан иборат бўлган Умумий Ассамблея томонидан бошқарилади. Ташкилот нодавлат ва хусусий олий таълим муассасаларининг фаолиятини умумий баҳолаш ҳамда аккредитация қилиш билан бирга, соҳалар ва ҳудудлар кесимида ҳам баҳолаш механизмини йўлга қўйган. Шу билан бирга, мазкур ташкилот университетларнинг фаолият самарадорлигига асосланиб, уларнинг маҳаллий рейтингини ишлаб чиқиш, баҳолар табели ва академик қайдлар ҳақиқийлигини текшириш, ўқитувчилар ва ходимларни қайта тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. Кенгаш Корея Республикасида нодавлат олий таълим муассасаларини аккредитация қилиш ваколатига эгалиги сабабли, унинг қарорлари нодавлат ва хусусий университетлар томонидан мунтазам бажариб келинади. Қайд этиш жоизки, Корея Республикасида жами олий ўқув муассасаларининг 85 фоизи хусусий ёки нодавлат ҳисобланиб, уларнинг икки нафари энг яхши олийгоҳлар учлигига кирган. Бу муваффақиятни фақат Олий таълим кенгаши фаолияти билан боғлаб бўлмайди, албатта. Кореядаги бошқа ташкилотлар, жумладан, Корея таълим фан ва технология вазирлиги (Ministry of Education, Science and Technology) ҳам 2011 йилда хусусий университетлар фаолиятини баҳолаш ташаббуси билан чиқиб, бу лойиҳага "номдор ёки беном" (named or shamed) деб ном берган ва ушбу лойиҳа ишга туширилишига солиқ тўловчилар пулидан оқилона йўл билан фойдаланилишини таъминлашни асос сифатида кўрсатган. Жумладан, фақатгина яхши баҳоланган хусусий университетлар бундан буён давлат томонидан кўмак олишини таъкидлаган. Университетлар битирувчилар ишга жойлашиш даражаси, ўқитувчиларнинг таълим бериш сифати ва илмий даражалари каби кўрсаткичлар асосида баҳоланганлар. Шундай

қилиб, айтиш мумкинки, Корея Республикаси хусусий ва нодавлат университетлар фаолиятини баҳолашда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарадор ҳамкорлик тизимини йўлга қўя олган.

Малайзияда олий таълим муассасаларини баҳолаш ва аккредитация қилиш билан **Малайзия квалификация агентлиги** (Malaysian Qualification Agency) шуғулланади. Ушбу ташкилот ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини аккредитация қилиш ҳамда квалификация талабларига риоя қилинишини текшириш билан шуғулланади. Ҳиссадорлар билан ҳамкорликда таълим дастурларига доир мезонлар ва талаблар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амал қилишини назорат қилиш, квалификацияларни рўйхатга олиш, хорижда олинган диплом, даражаларни тан олиш кабилар унинг фаолият доирасига киради. Шу жумладан, агентлик ISO мезонларига биноан олий таълим соҳасида коррупция ҳолатларини тугатиш ва олдини олиш чора тадбирларини кўради. Агентлик етти категорияга биноан аккредитация учун талаблар ишлаб чиққан:

1. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва етказишга оид;
2. Талабалар таълим олишини текшириб боришга оид;
3. Талабаларни танлаш ва қўллаб-қувватлашга оид;
4. Профессор-ўқитувчиларга оид;
5. Ўқув ресурсларига оид;
6. Таълим дастурларини бошқаришга оид;
7. Таълим дастурларини мониторинг қилиш ва сифатини мунтазам оширишга оид.

Ташкилот таълим сифатини кафолатлашга мўлжалланган бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. ASEAN сифатни кафолатлаш тармоғи (ASEAN Quality Assurance Network), Олий таълимда сифатни кафолатлаш агентликларининг халқаро тармоғи (International Network for Quality Assurance in Higher Education) каби халқаро ташкилотлар шулар жумласидандир.

Хорижий ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ҳар бир мамлакат тажрибаси, ушбу мамлакатлар босиб ўтган тараққиёт йўли, маданий, миллий ҳамда сиёсий омиллар билан характерланишини кўриш мумкин. АҚШ каби бозор муносабатлари ҳукм сурувчи федератив республикада бу штатлар кесимида демократик тамойиллар асосида амалга оширилса, Корея Республикасида самарадорликни максималлаштириш, Туркия Республикасида эса мамлакат олий

таълим тизимини Европа таълим мезонлари билан уйғунлаштириш фаолият жараёни ортида турган фалсафанинг асосини ташкил этган.

4. НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛЛАРИ

Олий таълим сифатини давлат ва ижтимоий-касбий баҳолаш ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларининг услубий, назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишнинг долзарблашуви шароитида хорижий давлатлардаги олий таълим сифатини бошқаришга доир илғор тажрибани ўрганишга зарурат ортиб бормоқда. Фикримизча, хорижий тажрибани ўрганиш фавқулодда муҳим аҳамиятга эга, чунки бу олий таълим сифатини объектив баҳолашга доир тартиблар, мезонлар ва индикаторларни белгилаб олишда ҳамда баҳолашда тизимлилик ва яхлитликка эришишда зарур қўлланма бўлиши мумкин. Украиналик олим Д.И.Дзвинчук олий таълим сифатини мониторинг қилиш бўйича Европа ёндашувларини ўрганар экан, Европада шаклланган барча назорат ва мониторинг тушунчалари иккита: континентал ва инглиз гуруҳига бўлинади деган хулосага келади. Улар ўртасидаги асосий фарқ таълим фалсафасидаги ўзига хослик ҳамда олий ўқув юртлари билан давлат ўртасидаги муносабатлардаги тафовутлардан келиб чиқади.

Олий таълимни назорат қилишнинг **континентал моделида** назорат ва тартибга солиш функциялари давлат органига (кўпинча таълим вазирлигига) ёки унга бўйсунувчи идорага юкланади. Бунда асосий тамойил — ўқишга кириш талаблари ва меъёрларини олинган натижаларни якуний текшириш билан бирлаштиришдир. Кириш назорати учун қуйидаги воситалар хосдир: давлат таълим органлари томонидан олий таълим муассасаларининг бутун бюджетини аниқлаштириш ва фақат ҳукумат қарори билан маълум тоифадаги меъёрлаштирилган иш ҳақини белгилаш; ўқитувчиларга давлат хизматчиси мақомини бериш ва уларга тегишли мажбуриятларни юклаш (“кўпроқ ижтимоий ҳимоя — камроқ шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” тамойили); муайян лавозимларга фақат ҳукумат қарори билан тайинлаш ва ҳар бир иш учун танлов асосида ишга қабул қилиш; қабул кампаниясининг деярли барча жабҳалари бўйича марказлаштирилган талаблар ва ҳоказо. Чиқиш давлат назорати қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади: битирув малакавий иши (диссертация)ни ҳимоя қилиш; имтиҳон комиссиясининг тегишли равишда белгиланган таркиби ва илмий даража ёки

давлат дипломини олиш учун ихтисослаштирилган давлат имтиҳонлари ва бошқалар.

Олий таълим сифатини таъминлашнинг **британча модели** мутлақо бошқача мазмунга эга. Бунда олий таълим муассасалари (асосан университетлар) сезиларли даражада автономдир. Унга ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни ёллаш ҳамда уларга ҳақ тўлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш бўйича мустақил сиёсат олиб бориш; абитуриентларни саралаш ва танлаш қоидаларини ишлаб чиқиш; ўқув дастурлари ва уларнинг мазмунини шакллантириш; давлат муассасаларидан мустақил орган ёки идоралар томонидан бюджет маблағларини тақсимлаш ва назорат қилиш каби хусусиятлар хос. Олий таълим сифатини назорат қилиш ва таъминлашга доир британча ёндашув замирида мустақил профессионал уюшмалар томонидан амалга ошириладиган лицензиялаш ёки аккредитациялаш, мустақил экспертлар фаолияти ва ташқи баҳолаш тизими ётади.

Бошқарувни марказсизлаштириш анча аввал амалга оширилган АҚШ ва Буюк Британияда университет дипломларининг сифати бозор томонидан баҳоланади. Олий таълим сифатини баҳолашнинг Британия — Америка тизимининг асоси коллеж ва университет битирувчилари хусусиятларининг меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқлиги билан белгиланади. Ушбу тартиб педагогика, социология, иқтисод, демография, статистика, бандлик истиқболлари бўйича тадқиқотларга, иш берувчиларнинг фикрлари, ўртача даромаднинг таълим малакасига боғлиқлик даражаси ва ўз-ўзини баҳолашга асосланади. Олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолашнинг ҳакамлари асосан ўқув дастурларини назорат қилувчи профессионал уюшмалардир. Якуний назорат эса бакалавр ёки магистрнинг касбий функцияларни мустақил бажариш ҳуқуқини легаллаштиришга хизмат қилувчи жуда қаттиқ касбий тестлардан иборат. Кенг қамровли эксперт рейтинг баҳоси натижасида биринчи ўринни эгаллаган университетлар аниқланади ва эълон қилинади. Бинобарин, АҚШнинг 25 та энг яхши университетлари рўйхатидаги етакчилик хусусий университетлар: Гарвард ва Стенфордга, Буюк Британияда эса Кембриж ва Оксфорд университетларига тегишли.

АҚШдаги олий таълим тизимида тартибга солиш роли давлатга эмас, балки меҳнат бозорида университет битирувчиларига бўлган талаб туфайли унинг олий таълимга бўлган эҳтиёжларини шакллантирадиган ва кадрлар тайёрлаш даражасини назорат қилувчи жамиятга те-

гишли. Қанча мутахассис тайёрлаш меҳнат бозоридаги котировкаларга, университет нуфузи эса битирувчиларининг реал бандлигига боғлиқ. АҚШда олий таълим ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг жадал ривожланиши шароитида америкаликлар таълим хизматлари истеъмолчилари — иш берувчилар ҳақида ҳам қайғурадилар. Буни олий таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказиш профессионал ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган таълим стандартлари бўйича амалга оширилаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Олий таълимни стандартлаштириш профессионал уюшмалар томонидан олий таълим сифатини бошқариш тизимининг элементи сифатида кўрилади. Бу институционал (умуман, университетларни) ва касбий (профессионал дастурларни) аккредитация, рейтинг баҳолаш, талабалар билими ва қобилиятларини тест орқали баҳолаш жамоатчилик характерига эга бўлган ноёб тизимдир.

Демак, АҚШда:

– институционал аккредитация университетларнинг яхлитлиги, автономлиги ва академик эркинлигини таъминлаб, уларни олий таълимга зарар етказувчи ташқи аралашувлардан ҳимоя қилади;

– касбий аккредитациянинг ўзига хослиги шундаки, у касбий тайёргарликда ўзини ўзи назорат қилувчи профессионал муҳит шаклланишига ҳисса қўшади, олий таълим муассасаси битирувчиларига лицензия олишда кафолатлар ва олинган маълумотга мувофиқ ишга қабул қилинишда имтиёзлар беради, шунингдек, профессионал уюшмаларнинг тегишли касбий соҳа ривожидаги ўрнини мустаҳкамлайди;

– аккредитация билан бевосита боғлиқ бўлмаган, лекин инвесторлар ва жамоатчилик, давлат ва нодавлат молиявий ресурслар томонидан мамлакатнинг етакчи университетларига қизиқишнинг ошишига хизмат қилувчи рейтинг баҳолаш ёрдамида энг яхши абитуриентлар ва ўқитувчиларни университетларга жалб этади;

Ушбу тартиб “Университетлар, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар меъёри, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мутаносиблиги, маълум бир автономия ва тегишли жавобгарлик” сифатида намоён бўлади. Аккредитация натижалари оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, йиллик маълумотномаларда кенг ёритилади.

Илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, замонавий Европа мониторинг тизимларида ички ва ташқи баҳолашга асосланган учта ёндашув мавжуд:

– назорат давлат органи томонидан олий таълим соҳасида давлат таълим сиёсати ўз мақсадига эришилганлигини ва университетнинг

бюджет маблағларидан фойдаланишини текшириш мақсадида амалга оширилади;

– олий таълим сифатини молиялаштириш ва баҳолаш илмий жамоатчилик ташаббуси билан амалга оширилади (унинг асосий мақсади университетнинг рейтингини белгилаш ва таълим хизматларини кўрсатиш, айниқса, ўқув жараёни сифатини ошириш устидан назорат қилишдир);

– аралаш ёндашув, бунда назоратчи бутунлай автоном ташкилот бўлиб, давлат ташаббуси билан тузилади ва у томонидан молиялаштирилади.

Шу билан бирга, ички баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш) университетлар ходимлари томонидан амалга оширилади, у университетнинг бутун фаолиятини ёки унинг алоҳида жиҳатларини қамраб олиши мумкин ва унинг натижаси кенгайтирилган маълумотнома ёки ҳисоботларда акс этади. Ташқи баҳолаш мустақил экспертлар ёки бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Уни амалга оширишнинг зарур шарти ички ва ташқи ҳужжатлардан, ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботидан ва университетларнинг бошқа маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳисобланади. Имтиҳон ҳисоботи университет ходимлари ва жамоатчилик ўртасида ҳар қандай усулда тарқатилиши мумкин, яъни маълум бир одамлар доирасини хабардор қилишдан тортиб, уни оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялар орқали оммага етказишгача бўлган усулларда.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Буюк Британияда давлат ва жамоатчилик олий таълим сифатини баҳолаш тартибига амалда аралашмайди. Бироқ чуқурроқ таҳлил бунинг аксини кўрсатмоқда, яъни олий таълим сифатини баҳолаш механизмлари икки томонлама: ички ва ташқи баҳолаш жараёнларини амалга оширишни назарда тутади. Бу механизмларнинг хусусияти шундаки, университет фаолиятини ташқи баҳолаш давлат томонидан билвосита молиялаштириш механизми орқали амалга оширилади. Тўғри, университетларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми кўпинча ушбу механизмларнинг ишлашида муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Буюк Британияда олий таълим сифатини баҳолаш бўйича етакчи ташкилот Олий таълим сифатини таъминлаш Агентлиги ҳисобланади. Бу мустақил орган бўлиб, у университетлар ва коллежлар ҳамда Англия ва Уэльсдаги олий таълимни молиялаштириш Кенгашлари томонидан молиялаштирилади. Унинг вазифаси олий таълим муассасалари то-

монидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига ишончни таъминлаш ва олий таълим сифати стандартларини оширишни кафолатлашдан иборат. Агентлик Кенгаши 14 кишидан иборат бўлиб, улардан тўрт нафари олий таълим муассасалари вакилларидан иборат, яна тўрт нафари молия агентликлари томонидан тайинланади. Олти нафар вакил иқтисодиёт, саноат, савдо соҳасида тажрибага эга мустақил директорлардан иборат бўлиб, улар орасида мамлакат ҳукумати томонидан тайинланадиган битта кузатувчи иштирок этади.

Германияда университетларнинг автономлиги давлат олий таълим органларининг улар фаолиятига таъсирини сезиларли даражада чеклайди. Таълим фаолияти ва илмий тадқиқотлар бўйича асосий қарорлар университетлар даражасида қабул қилинади, шунинг учун мавжуд сифат менежменти тизими ўзини ўзи тартибга солади. Олий таълим сифатини баҳолаш нуқтаи назаридан олий таълимга давлат бошқарувининг таъсири университет томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланган иқтисодий рағбатлантириш билан чекланади. Сифатни умумий баҳолаш давлат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва ўқитиш сифатини баҳолаш асосида шакллантирилади.

Олий таълим сифатини бошқаришни ўрганиш учун қизиқарли объект **Финландия** бўлиб, у ерда таълимни модернизация қилиш даври XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келди. Мамлакатда олий таълим сифатини назорат қилиш дастлаб Халқ таълими вазирлиги Инспекцияси томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик 1996 йилдан бошлаб шу вазирлик қошида ихтисослаштирилган орган — Олий таълимни баҳолаш Кенгаши ташкил этилди. Кенгаш давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, унинг вазифалари университетларга ўз-ўзини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда университетлар, олий касб-ҳунар мактаблари фаолиятини баҳолаш соҳасида стратегик ечимларни топишда кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, университетларда ўқув жараёни сифатини ошириш ва Финландия олий таълим дипломларининг халқаро рейтингини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Кенгаш Финландияда давлат таълим бошқаруви тизимида ўз ўрнини топди, у ўзига юкланган эксперт ва бошқа функцияларни бажариш учун кўплаб фин ва хорижий олимларни жалб қилиш учун барча имкониятларга эга. Олий таълим сифатини давлат томонидан бошқариш ва уни модернизация қилишни таъминлаш бўйича Финландия тажрибасини ижодий ўрганиш мақсадга мувофиқ.

5. НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолашда рейтинг усули ҳозирги вақтда жуда тез оммалашиб бормоқда. Чунки олий таълим сифатини баҳолашда таққослаш ва лига жадвалларидан фойдаланиш олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини юзага чиқаради. Шу билан бирга, турли олий таълим муассасаларининг ютуқ ва камчиликларини тизимли тарзда кўрсатиб беришда рейтингларнинг ўрни беқиёс.

Миллий рейтинг тизимлари ОТМлар сифатини баҳолаш ва маълумотлар таҳлилининг ихчам натижаларини тақдим этиш учун қўлланиладиган махсус воситалардир. Лига жадваллари рейтингни тақдим этишнинг энг кенг тарқалган шакли сифатида ташқи сифатни баҳолаш учун ажойиб восита эканлиги мутахассислар томонидан айтиб келинади. Рейтинг агентликлари рейтинглар турли вазифалар учун қўлланилиши ва манфаатдор томонларнинг кенг доирасига мос келишини иддао қилади. Университетлар, институтлар, коллежлар ва бизнес мактаблари маъмурияти ўз олий таълим муассасаларининг сифат кўрсаткичлари бўйича алоҳида қимматли маълумотларга эга бўлиши, унинг асосида ички ислоҳотларни амалга ошириши кутилади.

1983 йилда Американинг энг яхши коллежлари обрўсига асосланган рейтингни эълон қилган U.S.News and World Report журнали миллий олийгоҳлар рейтингини аниқлаш тенденциясини бошлаб берди. АҚШ ташаббусидан кейин тез орада Канададаги Маклин университети рейтинги, Англия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги миллий рейтинглар жорий этилди.

Рейтингга нисбатан юзага келган дастлабки умумий ишончсизлик ва шубҳа тез орада унинг фойдалилигини тан олиш ва рейтинг натижаларини ОТМлар сифатини баҳолашнинг бошқа шаклларига киритиш, кейин эса рейтинг кўрсаткичлари бўйича устунликка эришиш истаги билан алмашди. Университет рейтинглари HEDQUAL (Олий таълимда MBA дастурлари сифатини ўлчаш), HEdPERF (Олий таълим самарадорлигини баҳолаш) ва HETQMEX (Олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш) моделларини тўлдириши мумкин. Ҳамда ОТМ рейтинглари географик ҳудуд (миллий, минтақавий, глобал), ОТМ профили (яъни, ўлчами, ёши, йўналиши ва бошқа хусусиятлари), институционал ёки суб институционал (факультет, ўқув курслари) даражадаги таққослаш-

ни таъминлайди. Академик ҳамжамият рейтинг агентликлари (кўпинча хусусий) томонидан ишлаб чиқилган университет лигалари жадвалларининг аҳамиятини тан олди, чунки улар норасмий аккредитация сифатида олий таълимнинг шаффофлигига бўлган талабни қондиради. Бундай талаб эса аста-секин ўсиб бормоқда, чунки таълим тўловлари, "янги" бозордаги халқаро талабалар сони (масалан, Хитой, Ҳиндистон ва Африка мамлакатлари), чет элда ўқиш учун миллий стипендияларга бўлган талаблар муттасил ортиб бормоқда.

Олий таълим сифатини рейтинг баҳолаш бўйича Қозоғистон миллий тажрибаси. Қозоғистон Республикасида олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги юридик мақоми нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Таълим сифатини таъминлаш бўйича мустақил агентлик (IQAA-Ranking) томонидан амалга оширилади. Мазкур агентлик 2008 йилдан бери Қозоғистоннинг давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари миллий рейтингини институционал ва таълим дастурлари кесимида алоҳида тарзда эълон қилиб келмоқда.

Жумладан, 2022 йилда Қозоғистоннинг ОТМлари институционал рейтингида олий таълим муассасалари кўп тармоқли ОТМлар (турли хил таълим дастурлари мавжуд бўлган олийгоҳ), техник, гуманитар ва иқтисодий, педагогика ва тиббий ОТМлар тоифасида, таълим дастурлари рейтингида эса педагогика фанлари, ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот, бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ, табиий фанлар, математика ва статистика, ветеренария каби таълим дастурлари тарзида алоҳида эълон қилинган. Таълим сифатини таъминлаш бўйича мустақил агентликнинг асосий даромад манбаи олийгоҳлардан ўз хизматлари учун ундириладиган йиғимлар ҳисобланади. Агентлик ОТМ рейтингини тузишда 2 турдаги баҳолаш методологияси — институционал ва таълим дастурлари методологиясидан фойдаланади.

Институционал рейтингни ҳисоблаш методологияси 5 та таркибий қисмдан ташкил топган. Мазкур методология жами 1000 баллдан иборат бўлиб, 1-қисм 800 балл ҳамда қолган 4 та қисм 50 баллдан ташкил топган. Қуйида институционал рейтингни ҳисоблаш методологиясининг таркибий қисмлари жадвал кўринишида келтирилган:

1-йўналиш. Олийгоҳнинг академик ресурслари сифати баҳоланади ҳамда ушбу йўналишга умумий баллнинг 80 фоизи ёки 800 бали берилади.

1-йўналиш бўйича балларнинг тақсимланиши
1-индикатор. Талабалар таркиби — 80 балл.

№	Индикаторлар	Балл
1.1	Давлат буюртмаси асосида таҳсил олаётган талабаларнинг умумий талабалар сонига нисбати. Максимал балл давлат буюртмаси бўйича таҳсил олаётган талабалар улуши энг кўп бўлган университетга берилади.	15
1.2	Магистр ва PhD талабаларининг умумий талабалар сонидаги улуши. Магистр ва PhD талабаларининг умумий талабалар сонига нисбатан улуши энг катта олийгоҳ максимал балл олади.	15
1.3	Талабаларнинг умумий сонидаги норезидент талабаларнинг улуши. Юқори балл норезидент талабаларнинг энг юқори улушига эга университетга берилади.	15
1.4	Норезидент талабаларни ётоқхона билан таъминлаш. ТТЖда норезидент талабалари энг кўп улушга эга бўлган ОТМ максимал балл олади.	15
1.5	Олийгоҳ миқёси индекси Олийгоҳ миқёси И=Т/Т ўртача формуласи билан аниқланади Т — олийгоҳдаги талабалар сони Т ўртача — мамлакатдаги олий таълим муассасаларига тўғри келадиган талабаларнинг ўртача сони, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: Т ўртача = мамлакатдаги талабалар сони / олийгоҳларнинг умумий сони	20

2-индикатор. Талабаларнинг ўқишдаги натижалари ва олийгоҳда амалга оширилган таълим дастурлари сони — 80 балл.

№	Индикаторлар	Балл
2.1	Ўтган ўқув йилида талабаларнинг Қозоғистон, МДҲ ва узоқ хориж мамлакатларида ўтказилган халқаро танловлар, конференциялар ва олимпиадалардаги ғалабалари сони	35
2.1.1	Қозоғистон ва МДҲ мамлакатларида	10
2.1.2	Бошқа хорижий мамлакатларда	20
2.1.3	Ўтган ўқув йилидаги талабаларнинг МДҲ давлатлари ҳамда хориждаги спорт ва ижодий ютуқлари (ижодий олий ўқув юртларидан ташқари)	5
2.2	Талабалар сонининг бакалавриат, магистратура ва PhD дастурлари сонига нисбати. Энг юқори коэффициентга эга бўлган олийгоҳ максимал балл олади.	25

2.2.1	Бакалавриат талабалари сонининг бакалавриат дастурлари сонига нисбати	4
2.2.2	Магистратура талабалари сонининг магистратура дастурлари сонига нисбати	15
2.2.3	PhD талабалари сонининг PhD дастурлари сонига нисбати	6
2.3	ОТМда амалга оширилаётган таълим дастурларида янги ва инновацион дастурларнинг улуши	10
2.4	Олийгоҳдаги таълим дастурларининг умумий сонида инглиз тилидаги таълим дастурларининг улуши	10

3-индикатор. Илмий ходимлар — 110 балл.

№	Индикаторлар	Балл
3.1	Профессор-ўқитувчилар таркибида фан докторлари ва фан номзодларининг улуши	30
3.2	Иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар таркибидаги фан докторлари, фан номзодлари улуши	15
3.3	“Университетнинг энг яхши ўқитувчиси” грантини олган ўқитувчиларнинг умумий ўқитувчилар сонидаги улуши (Охирги календарь йили учун)	20
3.4	Профессор-ўқитувчилар таркибида узоқ ғарб мамлакатларида фан доктори ва фан номзоди даражасини олган ўқитувчилар улуши	10
3.5	Тўлиқ (1) ставкадаги ўқитувчилар сонига талабалар сонининг нисбати (Энг юқори балл энг паст нисбатга эга олийгоҳга берилади)	25
3.6	Илмий ходимлар таркибида фан докторлари ва фан номзодларининг улуши	10
3.7	Ярим ставкада ишлайдиган профессор-ўқитувчилар таркибида фан докторлари ва фан номзодларининг улуши	5

4-индикатор. Илмий тадқиқот ва инновацион ишлар — 170 балл.

№	Индикаторлар	Балл
4.1	Охирги календарь йилида тўлиқ ставкада ишлайдиган ўқитувчи ва тадқиқотчига тўғри келадиган тадқиқотни молиялаштириш ҳажми	20
4.2	Охирги календарь йилида рўйхатга олинган муаллифлик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг битта штатдаги ўқитувчи ва илмий ходимга тўғри келадиган улуши	10
4.3	ОТМдаги илмий кенгашлар сони	10
4.4	Охирги календарь йили учун Science Index тизимида нашр этиш фаоллиги ва илмий нашрларга иқтибос келтириш кўрсаткичлари	20

4.4.1	Охирги календарь йилида тўлиқ ставкада ишлайдиган ўқитувчи ва тадқиқотчига тўғри келадиган Science Index тизимидаги илмий нашрлар улуши	10
4.4.2	Охирги календарь йилида Science Index тизимида битта мақолага иқтибослар сони	10
4.5	Охирги календарь йилида МДҲдан ташқари мамлакатлардаги илмий нашрларнинг тўлиқ (1) ставкада ишлайдиган ўқитувчи ва тадқиқотчига тўғри келадиган улуши (Web of Science ва Elseviar Scopus базаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда)	80
4.5.1	Web of Sciencedаги ўқитувчи ва тадқиқотчиларга тўғри келадиган нашрлар сони	20
4.5.2	Web of Sciencedаги битта мақолага иқтибослар сони	20
4.5.3	Scopusдаги ўқитувчи ва тадқиқотчиларга тўғри келадиган нашрлар сони	20
4.5.4	Scopusдаги битта мақолага иқтибослар сони	20
4.6	Тўлиқ ставкадаги ўқитувчи ва тадқиқотчига тўғри келадиган патентлар улуши	30

5-индикатор. Халқаро ҳамкорлик — 90 балл.

№	Индикаторлар	Балл
5.1	Хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурлари сони	20
5.2	Ўтган ўқув йилида бир ўқитувчига тўғри келадиган халқаро алмашинувлар, хизмат сафарлари, илмий стажировкалар улуши	20
5.3	Ўтган ўқув йилида (бир академик давр — семестрда, ўқув йилида) бир талабага (бакалавр, магистратура, докторантура) тўғри келадиган халқаро алмашинувларнинг улуши	20
5.4	Чет эллик талабаларнинг умумий талабалар сонидаги улуши	10
5.5	Охирги ўқув йилида маъруза ўқиш, машғулотлар ўтказиш учун таклиф қилинган умумий штатдаги хорижий профессор-ўқитувчиларнинг улуши	20

6-индикатор. Ахборотни таъминлаш — 110 балл.

№	Индикаторлар	Балл
6.1	Расмий веб-сайт балли	50
6.1.1	Веб-сайт ўлчамлари (веб-саҳифалар сони билан белгиланади)	10
6.1.2	Таркиб (сайтда жойлаштирилган ҳужжатлар сонига қараб белгиланади)	5
6.1.3	Сайт янгиланиши	5
6.1.4	Дизайн ва сайт навигацияси қулайлиги	10

6.1.5	Сайтни қозоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларда тақдим этиш	6
6.1.6	Ташрифлар сони	5
6.1.7	Сайтга ҳаволалар сони	5
6.1.8	Сайт тезлиги	4
6.2	Мунтазам постлар билан расмий ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар сони	10
6.3	Масофавий таълим технологиялари	50
6.3.1	Ишлатилган ЛМС (Таълимни бошқариш тизими) платформалари ва уларнинг вазифалари	20
6.3.2	Университет томонидан ишлаб чиқилган МООС сони	20
6.3.3	Ташқи таълим платформалари рўйхати	10

7-индикатор. Битирувчиларни ишга жойлаштириш натижалари — 160 балл.

№	Индикаторлар	Балл
7.1	Ўтган ўқув йилида ўқишни тугатгандан кейинги биринчи йилда ишга жойлашган битирувчиларнинг улуши	100
7.2	Битирувчилар сонининг бакалавриат, магистратура ва PhD дастурлари сонига нисбати	30
7.2.1	Энг юқори коэффициентга эга олийгоҳнинг олган энг баланд бали	10
7.2.2	Охирги 3 йилдаги бакалавриат битирувчилари сонининг бакалавриат дастурлари сонига нисбати	10
7.2.3	Охирги 3 йилдаги магистратура битирувчилари сонининг магистратура дастурлари сонига нисбати	10
7.3	Охирги 3 йилдаги PhD битирувчилари сонининг PhD дастурлари сонига нисбати	30

2-йўналиш. ОТТлар сифатини эксперт томонидан баҳолаш агентлик экспертлари томонидан амалга оширилади (олийгоҳ тўплаши мумкин бўлган максимал балл — 50);

3-йўналиш. Иш берувчилар ва давлат органлари ўртасида ўтказиладиган социологик сўровнома асосида олийгоҳлар фаолиятини баҳолаш (олийгоҳ тўплаши мумкин бўлган максимал балл — 50);

4-йўналиш. Талабалар ўртасида ўтказиладиган социологик сўровнома асосида ОТМлар фаолиятини баҳолаш (олийгоҳ тўплаши мумкин бўлган максимал балл — 50);

5-йўналиш. ОТТлар битирувчилари ўртасида ўтказиладиган социологик сўровнома асосида олий ўқув муассасалари фаолиятини баҳолаш (олийгоҳ тўплаши мумкин бўлган максимал балл — 50).

Таълим дастурлари рейтингини баҳолаш методологиясидан ОТМларда ўқитилаётган таълим дастурлари рейтинггини тузиш учун фойдаланилади. Мазкур методология 800 баллдан иборат бўлиб, олийгоҳдан мустақил бўлган манбалардан олинган маълумотлар асосида тузилади. Баҳолаш метадологияси 5 та индикаторни ўз ичига олади. Улар қуйидагилардан иборат:

1-индикатор. Таълим дастуридаги талабалар контингенти ва ўқув натижалари — 150 балл.

2-индикатор. Илмий ходимлар: ўқув дастури бўйича профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар сифати — 130 балл.

3-индикатор. Кафедрада ва факультетнинг илмий тадқиқот ва инновацион ишлари — 180 балл.

4-индикатор. Таълим дастурлари бўйича халқаро ҳамкорлик — 140 балл.

5-индикатор. ОТМ битирувчиларини ишга жойлаштириш натижалари — 200 балл.

Буюк Британия миллий тажрибаси. Буюк Британияда олий таълим муассасалари рейтинги нодавлат ташкилотлари томонидан тузилади. Бугунги кунда рейтингга масъул нодавлат ташкилотлари сони 3 та (The Complete University Guide, The Guardian ва The Times (The Sunday times билан биргаликда))дан иборат бўлиб, улар олийгоҳлар миллий рейтингини тузишда давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларини қамраб олади. Масалан, The Complete University Guide нодавлат ташкилоти рейтинги Мэйфилд университети маслаҳатчилари томонидан тузилади ва биринчи марта 2007 йилда нашр этилган. Ушбу ташкилот рейтинг натижаларини тузиш давомида 9 та мезондан фойдаланади. Мазкур 9 та мезон жами 8 коэффициентдан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) “Академик хизматлар учун сарф харажатлар” — ҳар бир талаба учун академик хизматларга сарфланган харажатлар (маълумотлар Олий таълим статистикаси агентлигидан олинади) — 0,5 коэффициент;

2) “Даражани тамомлаганлик” — талабаларнинг ўқишни якунлаш даражаси кўрсаткичи (маълумотлар Олий таълим статистикаси агентлигидан олинади) — 1 коэффициент;

3) “Кириш стандартлари” — талабаларнинг олийгоҳга қабул қилинган вақтдаги ўртача бали (маълумотлар Олий таълим статистикаси агентлигидан олинади) — 1 коэффициент;

4) “Ўқув объектлари сарф-харажати” — бир талабага тўғри келадиган ходимлар ва ўқув анжомларига сарфланган харажатлар (маълумот-

лар Олий таълим статистикаси агентлигидан олинади) — 0,5 коэффициент;

5) “Битирувчилар натижалари” — битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичи — 1 коэффициент;

6) “Тадқиқот сифати” — тадқиқотнинг ўртача сифат ўлчови (маълумотлар Тадқиқот мукаммаллигини баҳолаш тизими (Research Excellence Framework)дан олинади) — 1 коэффициент;

7) “Тадқиқот интенсивлиги” — тадқиқотда фаол бўлган ходимларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши (маълумотлар Олий таълим статистикаси агентлиги ва Тадқиқот мукаммаллигини баҳолаш тизимидан олинади) — 0,5 коэффициент;

8) “Талабанинг муносабати” — талабаларнинг таълим сифатига бўлган муносабати (маълумотлар Миллий талабалар сўровномасидан олинади) — 1,5 коэффициент;

9) Талабалар сонининг умумий ходимлар сонига нисбати (маълумотлар Олий таълим статистикаси агентлигидан олинади) — 1 коэффициент.

Германия миллий тажрибаси. Германияда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти нодавлат ташкилотлари томонидан баҳоланиб, уларнинг миллий рейтинги тузилади. Германияда ОТМларнинг миллий рейтинги асосан 3 та нодавлат ташкилот Олий таълим маркази (Center for Higher Education), Ҳумбольдт ва Германия тадқиқот жамияти (DFG-Deutsche Forschungsgeme) томонидан тузилади. Масалан, Олий таълим маркази (Center for Higher Education) мустақил нотижорат ташкилоти рейтинги натижалари Германиянинг ҳафталик “DIE ZEIT” газетаси томонидан эълон қилинади. Рейтингнинг концептуал дизайни, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш масалаларига марказ тўлиқ жавобгар бўлса, “DIE ZEIT” газетаси эса рейтингни нашр этиш ва тарқатиш учун масъулдир. Олий таълим маркази рейтинги натижалари олийгоҳлардан олинадиган кўп сонли маълумотларга асосланади. Олий таълим маркази томонидан олий таълим муассасалари тўғрисида маълумот йиғиш жараёни қуйидаги кўринишда амалга оширилади:

1. Ҳар бир ОТМ бўйича алоҳида сўровнома ташкил этилади. Сўровнома онлайн тарзда ОТМ маъмурияти ва марказ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилади. Сўровномада бакалавр, магистратура, PhD талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этади.

2. Марказ ходимлари томонидан ОТМларнинг нашр ишлари таҳлил қилинади. Бу ўринда Scopus ва Web of Science базаларига индекс-

ланган журналларда чоп этилган мақолалар сони ҳамда ушбу мақолаларга берилган иқтибослар сони инобатга олинади.

3. ОТМ бошқарув ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилади. Сўровномада ОТМдаги талабалар ва профессор-ўқитувчилар сони ва тўлов шартнома миқдорига оид саволлар берилади.

4. Бошқа манбалардан орқали олинган маълумотлар баҳоланади.

Канада миллий тажрибаси. Канадада давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари нодавлат ташкилотлар томонидан баҳоланиб, Канада олий таълим муассасаларининг умумий миллий рейтинги яратилади. Канада ОТМлари рейтинги ҳар йили турли миллий нашрлар томонидан эълон қилинади. Ушбу нашрлардан энг машҳурлари қаторига Maclean, Campus Ranking, University Magazine каби нашрларни киритиш мумкин. Жумладан, Канададаги энг машҳур миллий рейтинг агентлиги Maclean's University Rankings ҳар йили мамлакатдаги ОТМлар миллий рейтингини Maclean журналида эълон қилади. Ушбу агентлик ОТМларни 3 турга ажратиб баҳолайди. Қуйида ушбу 3 турдаги олийгоҳлар келтирилган:

1) Биринчи турдаги ОТМлар асосан бакалавриат таълим дастурларини таклиф қиладиган олийгоҳлар бўлиб, мазкур олийгоҳларда магистратура таълим дастурлари сони камроқ бўлади. Ушбу ОТМларда PhD таълим дастурлари мавжуд бўлмайди.

2) Иккинчи турдаги ОТМлар кенг қамровли тоифадаги олийгоҳлар бўлиб, улар йирик илмий тадқиқот фаолиятига ҳамда кенг кўламли бакалавриат ва магистратура таълим дастурларига эга. Бундан ташқари, ушбу олийгоҳлар PhD таълим дастурларига ҳам эга бўлади.

3) Тиббиёт олийгоҳлари тиббиёт соҳасида бакалавр, магистратура ва PhD таълим дастурларини таклиф қилувчи ОТТларини қамраб олади.

Ушбу агентликнинг баҳолаш методологияси 7 та таркибий қисмдан иборат бўлиб, максимал кўрсаткич 100 фоизни ташкил этади. Қуйидаги жадвалда ушбу таркибий қисмлар келтирилган:

№	Индикаторлар	Фоиз
1.	Охирги беш йил ичида талабалар томонидан эришилган миллий ва халқаро академик мукофотлар сони	10%
2.	Талабалар сонининг профессор-ўқитувчилар сонига нисбати	10%
3.	Охирги беш йил ичида профессор-ўқитувчилар томонидан эришилган миллий ва халқаро академик мукофотлар сони	20%

4.	Битта талабага ОТМ томонидан сарфланган умумий маблағ суммаси	22%
5.	Талабаларга қулайлик яратиш учун олийгоҳ томонидан сарфланган маблағ миқдори	9 %
6.	Талабаларга олийгоҳ томонидан ажратилаётган грантлар маблағлари миқдори	9 %
7.	Онлайн сўровнома тарзида олийгоҳ талабалари, профессор-ўқитувчилари ва битирувчилари фикри ўрганилади	20%

6. НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Нодавлат ҳамда хусусий олий таълим масканлари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг талаблар ва ўрнатилган меъёрларга амал қилишини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу хусусий университетларнинг фойда кўриш учун таълим сифатини қурбон қилиш эҳтимолининг олдини олади. Хусусий ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятининг баҳоланиш жараёнини оптималлаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ:

– нодавлат ва хусусий олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасалари таклифларини инобатга олган ҳолда, халқаро сифат андозаларига асосан улар фаолиятини тартибга солувчи талаб ва меъёрларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ қилиш;

– давлат ва нодавлат ташкилотларининг хусусий олий таълим муассасалари фаолиятини мустақил баҳолаш ташаббусларини рағбатлантириб бориш;

– фаолият самарадорлиги қониқарли бўлмаган нодавлат олий таълим муассасаларига нисбатан мунтазам чора кўриб бориш;

– хусусий ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини кафолатлаш мақсадида профессор-ўқитувчиларни касбий қайта тайёрлаш ва малака курслари орқали уларга амалий кўмак бериш;

– нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тармоғини шакллантириш;

– олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини баҳолашда нодавлат ташкилотларининг иштирокини кучайтириш учун давлат грантларини ажратиш;

– нодавлат олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини баҳолаш натижалари эълон қилиб бориладиган электрон платформани ишга тушириш;

– нодавлат олий таълим муссасаларининг халқаро сифатни баҳолаш ташкилотлари билан ҳамкорлигини ўрнатиш учун ушбу вазифа билан шуғулланувчи Нодавлат олий таълим муассасалари сифат Кенгашини тузиш ва бу кенгаш таркибига нодавлат олий таълим муассасаларидан вакилларни киритиш;

– давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари таълим сифатини мунтазам тарзда ички ва ташқи аудит баҳолаш ҳамда натижаларни ОТМ веб сайтида очиқ эълон қилиш амалиётини жорий қилиш;

– ўзида давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларини жамлаган олий таълим сифатининг миллий рейтинг тизими (лига жадвали)ни жорий қилиш, ушбу рейтингда юқори ўрин эгаллаган олий таълим муассасаларига давлат грантларини кўпроқ ажратиш тартибини йўлга қўйиш;

– давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини ташқи баҳолашга хорижий давлатлардан экспертларни ҳам жалб қилиш;

– олий таълим муассасалари миллий рейтингини аниқлаш жараёнларида нодавлат ва давлат олий таълим муассасаларини ҳам қамраб оладиган яхлит тизим яратиш;

– олий таълим муассасалари миллий рейтингини институционал ва таълим дастурлари кесимида шакллантириш;

– олий таълим муассасалари миллий рейтингини аниқлаш ишларини аутсорсинг асосида нодавлат нотижорат ташкилотларига бериш;

– олий таълим муассасалари миллий рейтингини аниқлаш жараёнларини электрон платформа орқали амалга ошириш тизимини жорий этиш.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
1. Олий таълимда “сифат” тушунчасининг талқинлари 4
2. Олий таълим сифатини баҳолашга оид ёндашувлар ва усуллар 6
3. Нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолашнинг институционал тузилмалари 9
4. Нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш моделлари 15
5. Нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини рейтинг баҳолаш бўйича хорижий тажриба 20
6. Нодавлат олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар 29

Услубий нашр

НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-03.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Нодавлат олий таълим

муассасаларида таълим сифатини баҳолаш: хорижий ва миллий тажриба

ISBN 978-9910-9632-5-4